

ПРЕСС-РЕЛИЗ

“Mission Moon” космик таълим платформасининг тақдимоти ўтказилди

2026 йил 1 июнь куни “O‘zbekkosmos” агентлиги томонидан “School 21” ҳамкорлигида “Tashkent City Mall” замонавий кўнгилочар марказидаги “Sky Park” болалар майдончасида 1-июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Mission Moon” космик таълим платформасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир болалар ва ўсмирларда космос, инновациялар ва замонавий технологияларга қизиқишни ошириш, уларни илм-фанга кенг жалб этиш ҳамда STEM (Science, Technology, Engineering, Mathematics) йўналишларига бўлган қизиқишни рағбатлантириш мақсадида ташкил қилинди.

“Mission Moon” болалар ва ёшлар учун мўлжалланган замонавий космик таълим платформаси бўлиб, у иштирокчиларга космик технологиялар, сунъий йўлдошлар, Ой миссиялари, робототехника, астрономия ва муҳандислик каби соҳалар ҳақида интерактив ва қизиқарли форматда билим олиш имкониятини тақдим этади.

Лойиҳанинг асосий мақсади ёш авлоднинг креатив ва технологик фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, уларда инновацион ғояларга қизиқиш уйғотиш ҳамда келажакда миллий космик ва муҳандислик соҳалари учун малакали кадрлар захирасини шакллантиришга қаратилган.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари STEM таълимига стратегик йўналиш сифатида қарамоқда. Замонавий иқтисодиёт ва юқори технологияларга асосланган соҳаларда рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, “Mission Moon” платформаси Ўзбекистонда космик таълим экотизимини шакллантириш, болаларни эрта ёшдан инновацион муҳитга жалб қилиш ва уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим ташаббуслардан биридир.

Тадбир давомида иштирокчилар учун платформанинг имкониятлари, таълим йўналишлари ва интерактив функционаллари ҳақида махсус тақдимотлар ўтказилди. Шу билан бирга, болалар учун яратилган космик симуляциялар, таълимий ўйинлар ва интерактив машғулотлар намойиш этилди.

Тадбирнинг амалий қисми сифатида “Space Activity Zone” космик фаоллик худуди ташкил этилди. Унда тематик стендлар ва интерактив столлар жойлаштирилиб, ҳамкор ташкилотлар ҳамда агентлик мутахассислари томонидан тайёрланган амалий материаллар, аппликациялар, мини-воркшоплар ва креатив машғулотлар тақдим қилинди. Мазкур ҳудуд болаларга космос ва технологияларни ҳам назарий, ҳам амалий тарзда ўрганиш имконини берди.

Шу билан бирга, тадбир доирасида “Mission Moon Space Challenge” махсус интерактив дастури ҳам ташкил этилди. Иштирокчилар космосга оид турли викториналар, мини-миссиялар, мантиқий топшириқлар ва жамоавий беллашувларда қатнашдилар. Дастур болаларнинг тезкор фикрлаш, жамоада ишлаш ва муаммоларга инновацион ёндашиш кўникмаларини ривожлантиришни кўзда тутди.

Тадбир якунида энг фаол ва билимдон иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

“O‘zbekkosmos” агентлиги келгусида ҳам болалар ва ёшларни космос, инновациялар ва юқори технологиялар соҳасига кенг жалб қилиш, уларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини кўллаб-қувватлашга қаратилган таълим лойиҳаларини амалга оширишни давом эттиради.

“O‘zbekkosmos” агентлиги Ахборот хизмати